

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АШИРОВ ЮСУФБОЙ РАХИМБЕРГАНОВИЧ

**ЎЎЗА НАВЛАРИНИ СУВСИЗЛИККА ВА ШЎРЛАНИШГА
ЧИДАМЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Аширов Юсуфбой Рахимберганович Ғўза навларини сувсизликка ва шўрланишга чидамлилигини ўрганиш (Сирдарё вилояти мисолида).....	3
Аширов Юсуфбой Рахимберганович Изучение устойчивости сортов хлопчатника к дефициту воды и засолению (на примере Сырдарьинской области).....	21
Ashirov Yusufboy Rahimberganovich Study of drought tolerance and salt tolerance of cotton varieties (on the example of Syrdarya region).....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АШИРОВ ЮСУФБОЙ РАХИМБЕРГАНОВИЧ

**ҒЎЗА НАВЛАРИНИ СУВСИЗЛИККА ВА ШЎРЛАНИШГА
ЧИДАМЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx401 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифанинг (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исаев Сабиржан Хусанбаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.
Расмий оппонентлар:	Исашев Анваржон, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор. Хасанов Мақсуд Марифович, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.
Етакчи ташкилот:	Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг “___” _____ 2020 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё бўйича 33 млн. гектар майдонда ғўза етиштирилиб, 25 млн. тоннадан зиёд пахта ҳосили олинмоқда. Бунда ғўза экинини суғориш учун кўп сув ва ресурслар талаб этилади. Ер юзидаги мавжуд сувларнинг 2,0 фоизга яқини чучук сув ресурслари бўлиб, чучук сувларнинг 20 фоизи ер ости сувларига, 1 фоизи эса дарё ва кўлларга тўғри келади. Жаҳонда шўрланган тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ресурстежамкор технологияси ва техника воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонларнинг 44–46 фоизи турли даражада шўрланганлигини ҳисобга олсак¹, шундан келиб чиқиб, бугунги кунда нафақат республикамизда балки дунё бўйича суғориш сувларини тежаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда қишлоқ хўжалигида сув тақчиллиги шароитида экинларни илмий асосланган суғориш технологиялари ва тартибларини қўллаш, кўшимча сув манбаси сифатида коллектор-зовур сувларидан ҳамда оқова сувлардан фойдаланиш орқали дарё сувларини тежаш имконияти яратилмоқда. Сув ресурслари тақчиллиги бугунги кунда экинлар ҳосилдорлиги ва унинг сифатига унинг салбий таъсирини сезиларли даражада кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларни, энг аввало, сув тежовчи технологияларини янада такомиллаштириш орқали сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни илмий ишлаб чиқиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда томчилатиб, эгатга плёнка тўшаб ва кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологиялари кенг жорий этилмоқда. Бунинг натижасида суғориш сувларини тежалиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, сизот сувлари сатҳи яқин жойлашган экин майдонлари камайиши сабабли ҳосилдорликнинг ошишига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш” асосий вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган². Шу жиҳатдан, ғўза навларини ҳар хил суғориш тартибларини такомиллаштириш орқали сувни тежаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018–2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-3405-сонли қарори ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i17928ri17928r024.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида” Фармони ПФ-4947-сонли

хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги “2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислигини салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида”ги 74-сонли қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг суғорма деҳқончилигида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, тартиблари, техника ва технологияларининг тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озика тартибига, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича С.Н.Рыжов, М.П.Меднис, Р.Ахмедов, С.А.Гильдиев, Ф.М.Саттаров, Қ.М.Мирзажонов, Н.Ф.Беспалов, Г.А.Безбородов, Б.Ф.Камбаров, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов, А.Э.Авлиякулов, Б.С.Мамбетназаров, А.С.Шамсиев, С.Х.Исаев, Б.Ш.Матякубов, Ж.К.Шадманов, М.М.Ҳасанов ҳамда хорижда D.Balla, S.Maasen, J.Andersson, B.Wedding, K.Toderski, K.M.Keinzler, A.S.Qureshi, M.Qadir, U.Umbetaev, V.P.Afanasev, V.G.Mamatov, Sh.T.Kidane, T.L.Danilova, J.P.Melkulova, V.V.Stuchkov каби олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин, Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида турли даражада шўрланган ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, Султон, Наврўз, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларининг ўсиб-ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-009-“Янги ва районлашган ғўза навларининг турли тупроқ-иқлим шароитларида шўрланишга, сувсизликка чидамлилигини аниқлаш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш” (2012–2014 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сирдарё вилоятининг суғориладиган, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўрта толали ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, Султон, Наврўз, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини турли суғориш тартибларида шўрланишга бардошлилигини ўрганиш ва шўрга чидамли навларни тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот олиб борилаётган тупроқларнинг дастлабки агрокимёвий,

агрофизикавий хоссалари ва мелиоратив ҳолати ҳамда шўрланиш даражасини аниқлаш;

Сирдарё вилоятининг суғориладиган, тупроғи сульфат хлорли туз билан шўрланган, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрта толали ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, “Султон”, “Наврўз”, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % ҳамда 70–70–65 % тартибларда суғоришда тупроқнинг агрофизикавий, сув физик ва агрохимёвий хусусиятларининг ўзгаришини аниқлаш;

ушбу ғўза навларининг белгиланган икки хил (ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % ҳамда 70–70–65 % тартибларда) суғориш тартибларида парваришlashда, уларнинг берилган сувдан фойдаланиши, яъни сув истеъмолини навлар кесимида аниқлаш;

ўрганилаётган ғўза навларини белгиланган икки хил суғориш тартибларида, ҳар галги ва мавсум охиридаги сарфланган сув миқдорлари аниқланиб, ушбу тартибда суғоришда ҳар бир ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатининг ўзгариш хусусияти бўйича ажратиб олишни аниқлаш;

Сирдарё вилоятининг шўрланган, сув такчил бўлган тупроқлари шароитида икки хил суғориш тартибида парваришланган С-6524, Бухоро-102, “Султон”, “Наврўз”, Пахтакор-1 ва Андижон-37 ғўза навларининг ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, иктисодий самарадорлиги аниқлаш ва ишлаб чиқаришга илмий асосли тавсия бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шўрланишга мойил, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар, ғўзанинг Ан-Баяут-2, С-6524, Бухоро-102, “Султон”, “Наврўз”, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навлари, суғориш тартиблари олинган.

Тадқиқотнинг предмети шўрланишга мойил тупроқ, ғўза навларини лаборатория ва дала шароитида униб чиқиши, турли суғориш тартибларининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосилдорлиги ва унинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Дала тажрибаларини жойлаштириш ва барча ўлчов, кузатув ва ҳисоблашлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимлик таркибидаги озика-моддалар миқдорини аниқлаш бўйича таҳлиллар “Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари асосида амалга оширилган. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” манбасидаги дисперсион таҳлил услуги ҳамда SPSS (Statistical Package for Social Science) компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, Сирдарё вилоятининг суғориладиган, тупроғи сульфат хлорли туз билан шўрланган, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрта толали ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, Султон, Наврўз, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % ҳамда

70–70–65 % тартибларда суғоришда тупроқнинг агрофизикавий, сув физик ва агрохимёвий хусусиятларининг ўзгариши аниқланган;

ғўза навларининг белгиланган икки хил (ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % ҳамда 70–70–65 % тартибларда) суғориш тартибларида парваришlashда, уларнинг берилган сувдан фойдаланиши, яъни сув истеъмоли навлар кесимида аниқланган;

ўрганилаётган ғўза навларини белгиланган икки хил суғориш тартибларида, ҳар галги ва мавсум охиридаги сарфланган сув миқдорлари аниқланиб, ушбу тартибда суғоришда ҳар бир ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатининг ўзгариш хусусияти бўйича ажратиб олинган;

Сирдарё вилоятининг шўрланган, сув тақчил бўлган тупроқлари шароитида икки хил суғориш тартибида парваришланган С-6524, Бухоро-102, “Султон”, “Наврўз”, Пахтакор-1 ва Андижон-37 ғўза навларининг ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, иқтисодий самарадорлиги аниқланган ва ишлаб чиқаришга илмий асосли тавсия берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Шўрланишга мойил, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрта толали ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, “Султон”, “Наврўз”, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизга нисбатан 65–65–60 фоизда тупроқ ҳажм массаси 0,01–0,02 г/см³ камайиб, тупроқнинг ғоваклиги 0,2–0,8 фоизгача ортиши, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 2,8–14,5 м³/га гача камайиши ҳамда шўрланиш миқдори 10–15 фоизга камайишига эришилган;

ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизга нисбатан 65–65–60 фоизда 1,2–2,6 центнер кўшимча пахта ҳосили олишга, сифат кўрсаткичларидан тола узунлиги 0,1–0,3 фоизгача, тола чиқиши 0,2–0,9 фоизгача, 1000 дона чигит вазни 0,2–0,5 граммгача, вилт касаллиги билан зарарланиш даражаси эса 2–3 фоизгача кам бўлишга эришилган;

шўрланган тупроқлар шароитида турли ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизга нисбатан 65–65–60 фоизда суғорилганда соф фойда гектаридан 40617-112785 сўмгача ва рентабеллик даражаси 5,8–15 фоизгача юқори бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, Республика ва Халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилингани натижаларининг ишонччилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Сирдарё вилоятининг шўрланган, сув тақчил бўлган тупроқлари шароитида ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % ҳамда 70–70–65 % тартибларида ўрта толали С-6524, Бухоро-102, Султон, Наврўз,

Пахтакор-1 ва Андижон-37 ғўза навларини суғоришда мавсумий сув меъёрларининг тупроқ агрофизикавий, сув-физик, агрохимёвий хусусиятларига ҳамда мелиоратив ҳолатига таъсирининг назарий жиҳатдан аниқланганлиги, ушбу суғориш тартибларида ғўза навларининг сув истеъмоли, ўсиб ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатининг ўзгариши илмий жиҳатдан асосланиб, ҳудуд тупроқларига мос ғўза навлари танлаб олинган.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти, Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқлари шароитида ўрта толали ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, “Султон”, “Наврўз”, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % ва 70–70–65 % суғориш тартибларида парваришлаш натижасида ҳудудга мос навлар танлаб олинганлиги ва кенг майдонга жорий қилинганлиги, бунда пахта ҳосили 2,5 ц/га ортиб, иқтисодий самарага эришилганлиги билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сирдарё вилоятининг суғориладиган ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз шўрланган тупроқлари шароитида ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, “Султон”, “Наврўз”, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини суғориш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Шўрланишга мойил бўлган тупроқлар шароитида ғўза навларини сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 17 октябрдаги 02/25-4014-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Сирдарё вилояти шароитида пахтачилик фермер хўжаликларида қўллашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, Султон ва Андижон-37 навларини маъданли ўғитлар билан гектарига N-200, P-140, K-100 кг меъёрда озиклантириш ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибда суғориш 90 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 17 октябрдаги 02/25-4014-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ғўзани ўсув даврида 0–2–0 тизимда 2 марта суғорилган, мавсумий суғориш меъёри гектарига 2200 м³ ва пахта ҳосилдорлиги 28,0 – 31,3 центнерни ташкил этган;

Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, Султон навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–65 % тартибда суғориш Гулистон туманидаги “Нурли замин тухфаси” 20 гектар, “Кумуш тола ЛБК” 15 гектар, “Улкан хирмон файзи” 10 гектар, “Ором нур само” 15 гектар фермер хўжаликларида жами 60 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 17 октябрдаги 02/25-4014-сон маълумотномаси). Натижада суғориш сувлари 10 фоизгача тежалган, рентабеллик даражаси 15–20 фоизни ташкил этган ва гектаридан 2,5 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҚХООТИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университетининг махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ТошДАУнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида 5 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 1 та тавсиянома чоп этилган ҳамда 1 та IP-CENTER-№001262 гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вўзани шўрланган ерларда суғориш ва озиклантириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда, илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, республикамиз ҳамда дунёда сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, сувнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлардан бири бўлган ўзанинги илмий асосланган суғориш тартиблари ва уни амалга оширадиган суғориш техникаси элементлари, дарё сувларини тежаши, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва озуқа тартибларига ҳамда ўза навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Шўрланишга мойил бўлган, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўрта толали ўзанинги С-6524, Бухоро-102, Султон, Наврўз, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини икки хил суғориш тартибларида самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити и ва услублар”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган Сирдарё

вилоятининг географик ўрни, рельефи, иқлим шароити, геоморфологик, геологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқ-мелиоратив ҳолати шароитларида суғориладиган ер майдонларининг тупроқлари ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар минтақасининг лёссли ва пролювиал ётқизиқларидан ташкил топган текисликлари геоморфологик районида тарқалиб, турли литологик, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитларида ривожланганлиги бўйича таҳлиллари келтирилган.

Тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба тизими, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда ғўза навларининг биологик тавсифлари келтирилган.

Сирдарё вилояти Гулистон тумани Ҳамид Олимжон СИУ худудидаги “Мухаммадали Олимжон ҳамкор” фермер хўжалиги даласидан тупроқ намуналари олиб ўтказилган таҳлилларда, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, механик таркиби енгил қумоқ, сизот сувлари сатҳи 2,0 м чуқурликда жойлашганлиги, ҳайдов (0–30 см) қатламдаги гумус миқдори–0,948 %, умумий азот–0,079 %, фосфор–0,219 %, 30–50 см ли қатламда эса гумус–0,860, умумий азот–0,066 ва фосфор–0,211 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган.

Ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидаги нитратли азот миқдори 1 кг тупроқда 2,7–2,1 мг, ҳаракатчан фосфор 9,0–4,8 ва алмашинувчан калий 242–242 мг/кг ни ташкил қилган. Демак, тажриба даласининг ҳайдов қатлами ҳаракатчан шаклдаги азот билан кам фосфор билан жуда кам таъминланган ҳамда алмашинувчи калий билан ўртача даражада таъминланганлиги аниқланган.

Диссертация иши бўйича дала тажрибалари 2013–2015 йилларда Сирдарё вилояти Гулистон тумани Ҳамид Олимжон СИУ худудидаги “Мухаммадали Олимжон ҳамкор” фермер хўжалигининг даласида ўтказилган. Тажриба 14 та вариантдан иборат бўлиб, 4 та қайтариқда такрорланган. Вариантлар бир ярусда жойлашган, битта пайкал (деянка)нинг майдони 720 м² ни, шундан ҳисоб майдони 360 м² ни ташкил этиши баён қилинган.

Дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтида қабул қилинган “Методы проведения опытов с хлопчатником” (Ташкент, 1983), агрохимёвий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрохимических анализов почв и растений” (Ташкент, 1977), тупроқнинг агрофизикавий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрофизических исследований” (Ташкент, 1973), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тажриба даласида конверт шаклида 1–1,5 метргача тупроқ кесмалари (разрез) қазилиб, генетик қатламлардан тупроқ намуналари олинганлиги ва тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Мальцева ўзгартириши билан, нитратли азот миқдори Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин усулида аниқланганлиги, тупроқнинг ҳажм массаси (Н.А.Качинский) цилиндр усулида, структураси И.В.Саввинов усулида аниқланган.

Диссертациянинг “Тадқиқот натижалари” деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроғининг морфологик тавсифи, механик таркиби, агрохимёвий ва агрофизик тавсифи, уч йил давомида олиб борилган тадқиқотларнинг ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, Султон, Наврўз, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини суғориш технологиясини қўллаб, ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % ва 70–70–65 % тартибда суғорилганда тупроқ намлиги, мавсумий сув меъёри, сизот сувлари сатҳи, тупроқдаги озуқа моддалари, кўчат қалинлиги, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг сифат кўрсаткичларининг ортишига олиб келувчи самарали суғориш тартиблари эканлиги исботланган.

Тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сифими 0–50 см қатламда тупроқнинг мутлоқ қуруқ массасига нисбатан 21,3–21,9 %, 0–70 см қатламда 21,6–22,4 % ни ва тупроқнинг 0–100 см қатламида 22,0–22,8 % ни ташкил этган.


Тажриба даласининг хажм массаси тажриба қўйишдан олдин ҳамда амал даврининг охирида барча вариантларда аниқланган.

Тажрибанинг ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибда биринчи йили (2013 йил) амал даври бошида тупроқнинг хажм массаси 0–30 см қатламда 1,30 г/см³, 0–50 см қатламда 1,34 г/см³ ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич амал даври охирига келиб, юқоридаги қатламларда 1,34; 1,37 г/см³, ғўзани ЧДНСга нисбатан 70–70–65% тартибда суғоришда эса 1,36; 1,39 г/см³ ни ташкил қилган.

Ќўза навларини парваришда қўлланилган агротехник тадбирлар, суғоришлар амалга оширилганда тупроқ хажм массасининг вегетация охирига келиб барча вариантларда ошиши кузатилган. Бу эса ўз навбатида тупроқнинг сув-физик ҳолатининг яхшиланишида мақбул суғориш тартибларини тўғри қўлланилишини кўрсатади (1-расм).

Тажрибада тупроқнинг ғоваклиги кўрсаткичлари баҳорда ҳайдов (0–30 см) қатламида 52,4 фоизни, 30–50 см ҳайдов ости қатламида 50,7 % ни ташкил этган бўлса, вегетация даври охирида тупроқнинг 0–30 ва 0–50 см қатламларида тупроқнинг ғоваклиги ғўзанинг Ан–Бояут–2 навини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибда суғорилганда 47,3–46,2; ғўзанинг “Султон” навида 47,3–46,5 ва ғўзанинг Бухоро–102 навида 47,7–46,9 %, ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65% тартибда суғорилганда ғўзанинг Ан–Бояут–2 навида 48,1–46,5; ғўзанинг “Султон” навида 47,7–46,9 ва ғўзанинг Бухоро–102 навида 48,1–47,3 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, тупроқнинг 0–100 см қатламида тупроқнинг ғоваклиги ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибда суғорилганда 44,6; 45,4 ва 46,2 %, ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 % тартибда суғорилганда 45,4; 46,2 ва 46,9 фоизга тенг бўлганлиги кузатилиб, дастлабки ҳолатга нисбатан мос равишда 3,8–5,4 ва 3,1–4,6 % гача камайганлиги аниқланган.



1-Расм. Ғўза навларини суғориш тартибларини тупроқнинг ҳажм массасига таъсири, г/см³ (ўртача уч йиллик).

Тажрибаларда тупроқ ғоваклигининг нисбатан юқорироқ (0,4–1,2 %) кўрсаткичи ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизда кузатилган. Буни ушбу ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибида суғориш меъёрларини кам бўлганлиги билан изоҳланган.


Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги тупроқ гранулометриқ таркиби ва кимёвий хоссасига, унинг структура ҳолатига, зичлиги, ғоваклиги, намлиги ҳамда намланиш давомийлигига боғлиқлиги, сув ўтказувчанлик оғир механик гранулометриқ таркибли тупроқларда ҳамиша енгил таркибли тупроқларга нисбатан паст, сув ўтказувчанлик вақт бирлиги ичида тупроқ кўндаланг кесим юзаси орқали ўтадиган сув ҳажмига боғлиқ равишда ўзгариши ёритилган. 2015 йил ўсув давридаги суғоришлар ва уларнинг меъёрлари ҳамда қатор ораларида ишлайдиган техникаларнинг ўтишлари тупроқнинг зичлашишига олиб келганлиги натижасида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги кузда камайган. Амал даври бошида ғўза навларида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги биринчи соатда 424 м³/га бўлган бўлса, кейинги соатларда 268; 205; 115; 81 ва 42 м³/га ни ташкил қилган ва 6 соатда 1135 м³/га ни, ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизда амал даври охирига келиб, бу кўрсаткич сезиларли даражада камайиб борган ва 1038 м³/га ни, ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 фоизда биринчи соатда 360 м³/га бўлган бўлса, кейинги соатларда 202; 175; 96; 67 ва 35 м³/га ни ташкил қилган ва 6 соатда 935 м³/га ни, амал даври охирида сув ўтказувчанлиги 780 м³/га ни ташкил қилганлиги баён қилинган.

Шундай қилиб, кузатув давомида мавсум охирига келиб, ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 % -1038 м³/га, ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % -780 м³/га ташкил қилганлиги, С.В.Нестерев бўйича кузатилган майдонлардаги тупроқнинг сув ўтказувчанлиги кучсиз сув ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган тупроқлар синфига кириши қайд этилган. Умуман олганда, тажриба даласи тупроқларининг асосий илдиз кўп жойлашган қавати (0-50 см) ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига қулай бўлган.

Вегетация бошида тупроқнинг 0–100 см қатламдаги намлик захираси 21,0% бўлган бўлса, амал даври охирига келиб, ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 % суғориш тартибида тупроқнинг 0–100 см қатламида намлик 14,8-12,9 фоизни, ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % да-14,9-12,8 % га тенг бўлган. Ғўза навларини вегетация даврида суғоришда белгиланган суғориш олди тупроқ намлиги тартибига тўлиқ риоя қилинган ва йўл қўйилган ҳатолик 0,6–0,7 фоиздан ошмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–65 % бўлганда ғўзанинг Ан-Баяут-2, С-6524, Бухоро-102, Султон, Наврўз, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини амал даврида уч марта суғориш 0–2–1 тизимида ўтказилган бўлиб, суғориш олди тупроқ намлиги 70,2–65,1 фоизга тенг бўлганда суғорилган.

Ғўза навларини тупроқ намлигини чекланган дала нам сифимига нисбатан 70–70–65 % атрофида сақлаб туриш учун ғўза навларини вегетация даврида 0-2-1 тизимда 3 марта суғориш талаб этиши, бунда ҳар бир суғоришга 585–990– 965 м³/га, мавсум давомида 2540 м³/га сув сарфланган бўлса, ғўза навларини тупроқ намлигини чекланган дала нам сифимига нисбатан 65–65–60 % тартибда 2 марта суғорилиб, ҳар бир суғоришга 1080–1120 м³/га, мавсум давомида эса 2200 м³/га сув сарфланган (2-расм).



2-Расм. Мавсумий суғоришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (2014 й.)

Суғоришлардан кейин сизот сувларининг сатҳи ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоиз тартибда суғориш натижасида 10–15 см гача кўтарилгани, ғўза навларини ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибда эса, ўзгаришлар деярли кузатилмаганлиги аниқланган (0–2,5 см). Ғўза навларини парваришlashда сизот сувлари сатҳининг суғоришлар ҳисобига энг кўп кўтарилиши, кўп суғориш ҳисобига, яъни 2540 м³/га билан суғорилганда 17–20 см бўлганлиги аниқланган.

2015 йил тупроқдаги гумус миқдори дастлабки миқдорига қараганда (0–30 см қатламда), ғўза навларини тупроқ олди ЧДНСга нисбатан 65–65–60 фоизда гумус 0,058–0,158 %, нитратли азот 8,5–8,0

мг/кг, фосфор 16,3–14,3 мг/кг, калий 90–100 мг/кг га, ғўза навларини тупроқ олди ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизда да гумус 0,040–0,036 %, нитратли азот 7,7–7,3 мг/кг, фосфорнинг харакатчан формаси 14,6–14,0, калий 73–60 мг/кг га, ғўзанинг “Султон” навини тупроқ олди ЧДНСга нисбатан 65–65–60 фоизда гумус 0,019–0,022 %, нитратли азот 9,0–8,0 мг/кг, фосфор 15,9–16,2 мг/кг, калий 89–83 мг/кг га, ғўзани Ан-Баяут-2 навини тупроқ олди ЧДНСга нисбатан 65–65–60 фоизда мос равишда 0,033–0,039 %; 6,9–6,3; 13,1–12,1 ва 63–53 мг/кг га камайганлиги аниқланган. Ғўза навларини тупроқ олди ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизда тупроқдаги гумус миқдори 0,014–0,021 % га яхшиланди ва қулай шароит яратилганлиги ҳисобига ғўза навлари томонидан нитратли азот 0,6–2,5, ҳаракатчан фосфор 1,4–2,6 ва алмашинувчи калийни 14–23 мг/кг га кўпроқ ўзлаштирилганлиги аниқланган.

Ғўза навларини яхши ўсиб ривожланиши учун сизот сувлари сатҳидаги минерализацияга ҳам боғлиқ бўлиб, бунда ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60 фоизда сизот сувлари таркибидаги тузлар миқдори хлор-иони-1,54 г/л, умумий ишқор-0,37 г/л, сульфат-5,36 г/л, кальций-0,554 г/л, магний-0,459, натрий+калий 1,693 г/л ва қуруқ қолдиқ миқдори 11,87 г/л ни ташкил этган бўлса, ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизда юқоридагиларга мос ҳолда 1,48; 0,32; 5,33; 0,542; 0,444; 1,681 ва 11,75 г/л ёки ЧДНСга нисбатан 65–65–60 фоизда ўртача шўрланганда хлор-иони-0,06 г/л; умумий ишқор-0,05 г/л, сульфат-0,03 г/л, кальций-0,012 г/л, магний-0,015, натрий+калий 0,012 г/л ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,12 г/л юқорилиги кузатилган.

Ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизда тупроқдаги хлор-иони 0–100 см қатламда ўртача 0,010 фоизни ташкил қилган бўлса, умумий ишқор 0,018 фоизни, сульфат 0,392 фоизни, кальций 0,130 фоизни, магний-0,018 фоизни ва қуруқ қолдиқ-0,602 фоизни, ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоизда юқоридагиларга мос ҳолда 0,018; 0,018; 0,581; 0,186; 0,033; 0,012; 0,005 ва 0,862 фоизни ёки ЧДНСга нисбатан 65–65–60 фоизда сульфат, кальций, магний ва қуруқ қолдиқ миқдорлари ошганлиги аниқланганлиги баён қилинган.

2015 йил терим олди ҳақиқий кўчат қалинлиги ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60 фоиз тартибда суғорилганда ғўзанинг Ан-Баяут-2 навини амал даври бошида кўчат қалинлиги гектарига ўртача 71,3 минг туп бўлган бўлса, амал охирига келиб бу кўрсаткич гектарига ўртача 65,1 минг тупни, “Султон” навни юқоридаги тартибда суғорилганда 65,7 ва 58,1 минг туп, С-6524 навида 66,8 ва 60,7 минг туп, Бухоро-102 навида 64,3 ва 57,2 минг туп, Наврўз навида 67,8 ва 64,3 минг туп, Пахтакор-1 навида 65,6 ва 58,4 минг туп, Андижон-37 навида 66,9 ва 59,5 минг туп/га, ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–65 фоиз тартибда суғорилганда ғўзанинг Ан-Баяут-2 навини амал даври бошида

71,3 минг туп бўлган бўлса, амал охирига келиб кўчат қалинлиги гектарига ўртача 65,2 минг тупни, “Султон” навини юқоридаги тартибда суғорилганда 64,7 ва 57,6 минг туп, С-6524 навида 72,4 ва 65,7 минг туп, Бухоро-102 навида 68,2 ва 62,1 минг туп, Наврўз навида 70,8 ва 65,5 минг туп, Пахтакор-1 навида 69,3 ва 64,3 минг туп, Андижон-37 навида 71,1 ва 65,6 минг тупни вегетация охирига келиб 4,4-11,2 минг туп/га гача камайганлиги аниқланган. Ғўзани ўсув давридаги қўлланилган ҳар хил агротехник тадбирларни таъсири натижасида мавсум давомида гектаридан 4,0-9,4 минг туп/га гача кўчатларни сийраклашиши кузатилган. Умуман олганда, тажриба майдонида чигит экиш жараёнида чигитни тавсияларга риоя қилган ҳолда тўғри намланмаганлиги сабабли ва айрим навларни мавжуд чигитларини сертук бўлганлиги ҳамда шўрланишга мойил бўлган тупроқларда ниҳолларни тўлиқ униб чиқишида қийинчиликлар туғдирган. Бунинг натижасида тажриба даласида кўчат қалинлигини бироз сийрак бўлиб қолишига сабаб бўлганлиги аниқланган.

Тажрибанинг ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % ва 70–70–65 % тартибларда суғорилганда ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосил тўплашига турлича таъсир кўрсатган.

2015 йилда ғўзанинг Ан-Баяут-2 навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибда суғорилиб, гектарига 200 кг азот, фосфор 140, калий 100 кг қўлланилганда 1 июнда бош поя баландлиги 25,2; 1 июлда 66,3; ва 1 августда 88,5 сантиметрни ташкил қилган бўлса, “Султон” навини шу миқдорда ўғит қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибда суғорилганда 1,2; 1,7; 2,9 см га, Ан-Баяут-2 навини ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % тартибда суғорилганда 1,2; 2,3; 3,6 сантиметрга ва шу тартибда ғўзанинг “Султон” навида 1,4; 2,5; 4,8 сантиметрга суғориш тартиби ўзгарган сари ортганлиги кузатилган.

Ғўзанинг С-6524 навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % тартибда 0–2–0 тизимда суғорилганда 1 августда ҳосил шохлари 11,6 донани, 4,6 дона кўсак ҳосил қилган, биринчи сентябрда жами 9,2 дона кўсак ҳосил қилиб, шундан 4,6 донаси очилган, “Султон” навини ЧДНСга нисбатан 70–70–65 % тартибда 0–2–1 тизимда суғорилганда юқоридаги кўсаткичлар 1,6; 0,4; 1,4; 0,3 донага юқори бўлганлиги баён қилинган.

